

М.К. Отақулов,
катта илмий ходим-изланувчи,
ДЖҚА

ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРДА ГЛОБАЛ ТОВАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИНГ ТРЕНДЛАРИ


АННОТАЦИЯ

Мақолада глобаллашув жараёни товар ва хизматларнинг халқаро масштабда товар экспорти ва импорти таркиби ва уни ҳудудий хиссаси бўйича динамик равишда ўзгариш тенденциялари боғлиқликларда таҳлил қилинишича экспорт ва импорт операцияларини тренд ўзгаришлари полиномаси жаҳон бозори конъюнктураси талаб ва таклиф ўзгаришларини нисбатан боғлиқликларини кўриш мумкин. Дунё бўйича ҳудудлар кесимида товар экспортини ҳиссасини фоизларда ўн йилликларда нисбатан ўзгариши унинг миқдорини қийматлардаги ифодасига нисбатан ўсиш суръатида фарқланиши ва бу фарқлар ўзгариш индексини қийматлар таркиби бўйича олинган кўрсаткичларнинг товар ва маҳсулотлар таркиби бўйича ушбу даврлар давомида ўзгаришини қамраб олган бўлиб, ўсиш суръатини товарлар таркиби бўйича умумий ва хусусий жиҳатларига боғлиқлиги тренд тенграмаси асосида келтирилган.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг товар ва хизматлар бозоридаги глобаллашув истеъмолчилар хоҳиш-истакларини унификациялашуви натижаси бўлиб, унда глобал товарларга бўлган талабнинг сифат ва миқдор таркибини умумлаштирган янги меъёри вужудга келди. Республикамизда ташқи савдо экспорти ва импортини ҳиссасини ортиб бориши халқаро бозорларга интеграцияни янада кенгайтиришни кўрсатмоқда. Буни эътиборга олиб мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов **“Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”**¹, деб таъкидлаб ўтди.

Глобаллашув дунё иқтисодиётида жиддий тузилмавий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Натижада айрим давлатлар ундан ўзининг ишлаб чиқариш ва савдо соҳасидаги нисбий афзалликлари асосида бошқа давлатларга нисбатан юқори манфаатларга эга бўлди. Бунинг тасдиғи сифатида жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган глобаллашув иқтисоднинг интеграллашуви ва дунёнинг барча давалатлар иқтисодининг бир–бири билан боғлиқлигини кучайиб боришини кўриш мумкин. Унинг ёрқин мисоли сифатида жаҳон савдосининг экспорт ва импорт операциялари таркибидаги динамик ўзгаришларда кўриш мумкин (1-расм).

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.



1-расм. Жаҳон савдо экспорти ва импортнинг 2000-2009 йиллардаги динамик ўзгариш графиги².

1-расмда келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, жаҳон савдо экспорти ва импорти ўртасидаги тафовут кескин фарқ қилмайди, лекин унинг динамик ўзгариши 2004 йилда экспорт 21 %га, импорт 18,9 %га ортган бўлса, 2009 йилга келиб, экспорт 12,5 %, импорт -11,6 %га тушган. Жаҳон экспорти ва импорти ўзгариш динамикасининг 2000-2009 йиллардаги ўзгариши тренд тенгламаси экспорт учун полиномал тренд тенгламаси

$$y = 0,963x^2 - 10,40x - 10,57 \quad (1)$$

Бунда: $R^2 = 0,555$ га тенг бўлиб, импорт учун полиномал тренд тенгламаси


$$y = 0,843x^2 - 9,091x - 8,485 \quad (2)$$

Бунда: $R^2 = 0,506$ га тенг. Мавжуд ҳолатнинг полиномал тренд тенгламаси динамик ўзгаришда ўрта боғлиқликни ифодалаб, тафовутларни кескин фарқланмаслигини исботлашини кўриш мумкин.

Полиномал тренд тенгламалар интерпретациясини кўрсатишича, жаҳон бозорида экспорт ва импорт операцияларининг 2000-2007 йилларда экспорт ҳажми бўйича устунликка эришиб, унинг вазни юқори бўлган ва 2007 йилнинг иккинчи ярмидан молия бозоридаги инқирозли вазият оқибатида импортнинг ҳажми ортиб боришини кузатиш мумкин.

Жаҳон товар савдосини асосий маҳсулотлар гуруҳи таркиби бўйича ўртача йиллик фоизлардаги ўзгариши таҳлил қилинадиган бўлса, унда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўзгаришга эгаллигини кўриш мумкин (2-расм).

² Жаҳон савдо ташкилоти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган (www.wto.org).



2-расм. Жаҳон товар савдосининг асосий маҳсулотлар гуруҳи бўйича ўртача йиллик фоизлардаги ўзгариши³.

Келтирилган маълумотларда саноат маҳсулотлари бўйича мос даврлардаги фоизлардаги ўзгаришлар билан полиномал боғлиқлик ўртасида 1990-2009 йиллар оралиғида деярли фарқ йўқлигини кўриш мумкин. Қолган ёқилғи ва қазиб олиш маҳсулотлари 1950-1973 йилларга нисбатан 1973-1990 йилларда 7 фоиздан кўп миқдорга кескин ўзгарган. Ушбу ўзгаришнинг жаҳон бозори конъюнктурасига таъсири катта бўлди, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига ўз таъсирини кўрсатди. Полиномал тренд тенгламаси куйидаги кўринишда: боғлиқликнинг полиномал бўлмаган, яъни чизиқли логорифмик кўринишларида ноижобий параметрал кўрсаткичларга эга ҳамда апроксимон хатолик даражаси зарур бўлган аниқлик даражаси интервалидан юқори ёки жуда паст. Саноат маҳсулотлари учун:

$$y = 1,504x^2 - 8,341x + 16,51 \quad (3)$$

$$R^2 = 0,980$$

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича

$$y = 1,96x^2 - 10,58x + 15,48 \quad (4)$$

$$R^2 = 0,757$$

Ёқилғи ва қазиб олиш маҳсулотлари бўйича

$$y = 0,455x^2 - 2,384x + 5,979 \quad (5)$$

$$R^2 = 0,467$$

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 1950-2009 йилги ўзгариш 1950-1973 йилги ўзгаришдан паст эканлигини саноат, қишлоқ хўжалиги ва ёқилғи ҳамда қазиб олиш маҳсулотлари бўйича полиномал боғлиқликлар тенгламаси асосида кўриш мумкин. Бунинг сабаби, жаҳон бозорида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг интенсивлашуви ҳисобига содир бўлишидир.

³ Жаҳон савдо ташкилоти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган (www.wto.org).

Нисбий афзаллик асосида ихтисослашувнинг шартли равишда квотали савдо келишувларига ўтиши глобаллашувнинг кейинги босқичларида глобал товар томон янада фаол трансформациялашувга олиб келмоқда. Буни глобал товарда мужассам бўлган истеъмолнинг дунё бўйича глобаллашув талабларини қондириш билан боғлиқ асосий товар гуруҳлари савдосидаги ўзгаришлар асосида кўриш мумкин.

2000 ва 2009 йилларда дунё товар экспортининг нисбатан ўзгаришини ҳудудлар кесимида ўзгариш ҳиссаси кўриб чиқиладиган бўлса, унинг миқдорий ўзгаришлари Шимолий Америка ҳудудида 0,68 га, Европада 0,98га тушган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида (МДҲ) 1,61га, Африка ва Ўрта Шарқ давлатларида 1,33га ортган. Ушбу ҳолат дунё товар экспортининг қийматлар кўринишида юқорида келтирилган ўзгаришларни такрорлайди (1-расм).

Дунё бўйича ҳудудлар кесимида товар экспортини ҳиссасини фоизларда 2009 йилни 2000 йилга нисбатан ўзгариши унинг миқдорини қийматлардаги ифодасига нисбатан ўсиш суръатида фарқланади. Ушбу фарқлар ўзгариш индексини қийматлар таркиби бўйича олинган кўрсаткичларнинг товар ва маҳсулотлар таркиби бўйича ўн йиллик давомида ўзгаришини қамраб олган бўлиб, ўсиш суръатини товарлар таркиби бўйича умумий ва хусусий жиҳатларига боғлиқ.

1-жадвал

2000 ва 2009 йилларда дунё товар экспортида ҳудудлар ҳиссаси⁴


№	Ҳудудлар	Дунё бўйича ҳиссаси, %		2009/ 2000 йилга нисбатан ўзгариш	Қиймати, млрд. АҚШ долл.		2009/ 2000 йилга нисбатан ўзгариш индекси
		2000й.	2009й.		2000й.	2009й.	
1.	Шимолий Америка	19,5	13,2	0,68	1225	1602	1.30
2.	Жанубий ва марказий Америка	3,2	3,8	1,19	198	459	2.32
3.	Европа	42,0	41,2	0,98	2634	5016	1.9
4.	МДҲ	2,3	3,7	1,61	146	452	3.1
5.	Африка	2,4	3,2	1,33	149	384	2.57
6.	Ўрта Шарқ	4,3	5,7	1,33	268	690	2.57
7.	Осиё	26,4	29,4	1,11	1837	3888	2.12
8.	Дунё бўйича	100	100	1	6456	12490	1.94

Ушбу ҳолат дунё товар экспортининг қийматлар кўринишида юқорида келтирилган ўзгаришларни такрорлайди. Буни дунё товар экспортини МДҲ ва Африка ва Ўрта шарқ давлатларининг арзон ишчи кучи ва арзон хомашё экспортини ўсиши ва асосий глобал товар даражасига етган маҳсулотлар эвазига ҳамда таннарх бўйича рақобат устунлиги эвазига ўзгаришга эришганлигидадир.

⁴ Жаҳон савдо ташкилоти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган (www.wto.org).

Дунё бўйича МДХ экспорти ва импортини ҳиссасини йиллик фоизларда динамик ўзгариши кўриб чиқиладиган бўлса, экспортни 2000йилдан 2001 йилгача 36,9 %га ва импорт 15,6 %га миқдорга пасайганлигини кўриш мумкин (Зрасм).

Халқаро иқтисодий майдондаги глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган тенденцион ўзгаришларга асосан йирик иқтисодга эга бўлган давлатлар ва нисбатан кичик иқтисодли давлатлар ўртасидаги товар ва хизматлар айирбошлашни интенсивлашувига сабаб бўлди. Ушбу ҳолатни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов **“Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”**⁵—деб таъкидлади.



3-расм. МДХ экспорти ва импортини йиллик фоизларда ўзгариши⁶.

Бу ҳолат жаҳон бозори конъюнктурасини ва давлатлар тўлов балансини ёмонлашуви билан изоҳланади. Лекин Ўзбекистон Республикасида 2008 йилда ташқи савдо айланма 21,4 фоизга ва товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортган⁷. Албатта бундай ижобий ўзгариш ташқи экспорт ва импорт операцияларини мақсадли товар ва хизматлар гуруҳида олиб бориш асосида амалга ошган.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва иқтисодийнинг либераллашуви ҳамда рақобатни тобора кучайиб бориши билан боғлиқ жараёнларда кескин қалқиш

⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010, 4-б.

⁶ Жаҳон савдо ташкилоти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган (www.wto.org).

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

ёки инқирозли вазиятдан сақланиш ҳамда интеграцион муносабатларда импорт маҳсулотларига ортикча боғланмасликни муҳим масала эканлиги 2008йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабоқлари асосида бугун барча иқтисодий адабиётларда ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси экспорти ва импортининг базис даврларга нисбатан йиллик фоизда ўзгариши таҳлил қилинса, охириги йилларда экспорт салоҳиятини ортганлигини ва импорт операциялари бўйича ташқи қарзни йўқлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорти ва импортининг ўтган йилга нисбатан йиллик фоизларда ўзгариши⁸

Кўрсаткичлар	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.
Экспорт	111,5	118,1	140,7	128,7	102,4	110,8
пахта толаси	117,9	106,2	102,8	94,6	94,9	146,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	110,3	2,5р	150,7	67,5	139,0	177,1
улардан истеъмол маҳсулотлари	142,1	2,9р	156,6	67,9	136,4	177,3
кимё ва кимёвий маҳсулотлар	123,9	124,8	172,4	104,8	90,9	112,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	103,6	164,2	216,7	160,5	142,2	80,2
қора ва рангли металллар	119,5	142,6	125,4	78,8	72,3	152,7
машина ва ускуналар	126,6	134,7	144,3	93,7	38,4	2,1м
хизматлар	114,9	117,5	124,6	124,4	85,9	114,7
бошқалар	102,5	81,9	129,1	2р	98,0	103,9
Импорт	107,2	107,4	109,5	111,5	97,3	93,2
озиқ-овқат маҳсулотлари	110,1	124,4	112,7	126,1	105,5	113,2
шундан истеъмол маҳсулотлари	117,9	106,0	93,3	110,7	86,0	113,9
кимё ва кимёвий маҳсулотлар	116,9	117,9	117,0	110,5	92,7	120,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	127,9	183,1	87,7	66,5	72,5	161,0
қора ва рангли металллар	106,7	108,9	136,4	100,6	80,3	123,7
машина ва ускуналар	101,0	100,0	108,5	119,8	105,0	72,7
хизматлар	100,0	94,6	96,8	109,2	96,7	101,7
бошқалар	124,0	106,5	104,4	92,9	81,6	116,8

Жадвал маълумотида асосан экспортни 2007 йилда 2006 йилга нисбатан кескин 140,7 %га ўсиши ва импортни эса 2010 йилга келиб 93,2 фоизга тушишини кузатиш мумкин. 2010 йилга келиб экспорт суръатини ортиб бориши озиқ – овқат товарлари 177,1 %га ва жумладан истеъмол товарлари 177,3% ҳисобига бўлган бўлса, импорт эса энергия ва нефть маҳсулотлари (161%) ҳисобида бўлган. Ушбу келтирилган кўрсаткичлар таҳлилида импорт қилинувчи истеъмол товарларини 2010 йилда 113,9 %га ортиши мамлакатимиз ички захиралари ҳисобига унинг ўрнини босувчи ички истеъмол товарлари базасини кенгайтириш имкониятини Президентимиз И.А. Каримов **“Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва**

⁸ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумоти асосида ҳисобланган .

устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади”⁹ - деб таъкидлайди.

Маълумки, ривожланаётган давлатларнинг “импорталмашинувчи” ўсиш иқтисодий сиёсатида асосланиши, ташқаридан кириб келаётган импорт товарларни квоталаш эвазига ички талабни рағбатлантириш натижасида ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)да ўсишга эришиш мумкин. Жумладан, 2010 йилда республикамизда ўтган йилга нисбатан 8,5% ўсишга эришилди. Кейинги ўн йилда (2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда) мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошганлигини кўриш мумкин. Келтирилган маълумотлар асосида истиқболли ривожланиш стратегияси сифатида 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш — 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида — 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда¹⁰.

Юқорида келтирилган мамлакат истиқбол кўрсаткичлари асоси ички истеъмол талабнинг ҳиссасини орттиришни мамлакатимиз Президенти **“...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”** - деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёни жаҳон бозорида асосий товар гуруҳи бўлган глобал товарларнинг экспорти ва импортини динамик ўзгариши асосида унинг ҳиссаси ва таркиби бўйича полиномал боғлиқликлардаги тафовутларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда ўрганиш халқаро глобаллашув жараёнида мамлакат ривожланишининг демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни ва уни янада чуқурлаштиришнинг асоси ҳисобланади.

⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010, 53-б.

¹⁰ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011, 23 январь.